

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/02.30.12.2019. ТАР. 45. 01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙПОВ САДУЛЛА ТУРСЫНБАЕВИЧ

**ЎРТА АСРЛАР ХОРАЗМ СИРЛАНМАГАН СОПОЛЛАРИ
(IX-XIV АСРЛАР)**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Сайпов Садулла Турсунбаевич

Ўрта асрлар Хоразм сирланмаган сополлари (IX-XIV асрлар) 3

Сайпов Садулла Турсунбаевич

Неполивная керамика средневекового Хорезма (IX-XIV вв.)25

Saypov Sadulla Tursunbaevich

Unglazed ceramics of medieval Khorezm (IX –XIV Centuries)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**МИЛЛИЙ АРХЕОЛОГИЯ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 02/02.30.12.2019. ТАР. 45. 01. РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙПОВ САДУЛЛА ТУРСЫНБАЕВИЧ

**ЎРТА АСРЛАР ХОРАЗМ СИРЛАНМАГАН СОПОЛЛАРИ
(IX-XIV АСРЛАР)**

**07.00.06 – Археология
(тарих фанлари)**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4. PhD/Таг 786 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.archeology.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қдырниязов Мухаммад-Шариф

Тарих фанлари доктори, профессор

Илмий консультант:

Искандерова Айсулу Джапбергеновна

Тарих фанлари номзоди

Расмий оппонентлар:

Хасанов Муталибжон

Тарих фанлари доктори

Қудратов Солижон Сулаймонович

Тарих фанлари номзоди.

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Миллий археология маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/02.30.12.2019. TAR.45.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 19.05 «14» соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй). Тел.: (99871) 233-70-81, e-mail: uzarchae@academy.uz

Диссертация билан Миллий археология маркази ва Самарқанд археология институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (5071 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140151, Самарқанд шаҳри, Воҳид Абдуллаев кўчаси, 3-уй). Тел./факс: (99866) 232-15-13).

Диссертация автореферати 2022 йил «29» 04 кун тарқатилди.
(2022 йил «29» 04 даги «1» рақамли реестр баённомаси).



Ф.А.Максудов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Д. Муродова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

А.А. Анарбаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда қадимий моддий маданият намуналарини ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда маълум бир ҳудудларда кечган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий жараёнларни ёритиш илмий жамоатчиликда кенг тарқалган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Инсоният яратувчанлик фаолиятининг ҳосиласи бўлган қадимий иншоот қолдиқлари, шаҳарсозлик намуналари, ишлаб чиқариш қолдиқлари билан биргаликда кундалик турмуш тарзида қўлланиладиган буюмлар ҳам барча тарихий-маданий ҳудудларнинг қайси хронологик даврига оид бўлмасин жамиятининг дунёқараши, кундалик турмуш тарзи борасида асосий маълумот берувчи манбалардан бири сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, тарихий-маданий ҳудудларда кундалик турмуш тарзига мансуб буюмларнинг ишлаб чиқарилиши ўз навбатида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, турмуш даражаси, унинг кўшни ҳудудлар билан ўзаро алоқалари каби муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёнинг археология йўналишида изланиш олиб бораётган барча илмий муассасалар томонидан, кундалик турмуш тарзига мансуб ашёлар жумладан, археология фанида кенг тарқалган моддий маданият намунаси сопол буюмларни тадқиқ этиш муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, сопол буюмларни техник-типологик тадқиқ этиш даврлаштириш, ҳалқларнинг ўзаро муносабатлари, миграция жараёнлари, аҳолининг иқтисодий муносабатларини, сопол идишлардаги мотив ва орнаментлар эса аҳолининг диний ва дунёвий қарашлари борасида маълумот беради. Бу борадаги тадқиқотлар, айниқса, кўчманчи ва муқим аҳоли симбиози намоён бўлган Марказий Осиё минтақасидаги моддий маданият намуналарини ўрганишда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида археологик тадқиқотларни тубдан яхшилаш, илмий изланишлар усулларини такомиллаштириш, халқимизнинг кўп асрлик бой моддий ва маданий меросини асраб-авайлаш, қадимий моддий маданиятни табиий фанларнинг замонавий тадқиқот услубларини археологик изланишларга кенг жорий қилиш асносида тадқиқ этиш борасида кўплаб амалий ишлар бажарилди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги Ўзбекистоннинг энг қадимий маданий ўлкаларидан бири сифатида эътироф этиладиган кўхна Хоразм воҳасининг ўрта асрлар даври хунармандчилигини замонавий тадқиқот усулларни қўллаган ҳолда ўрганиш ва бу орқали унинг тарихий топографияси, моддий маданияти, хўжалиги, маданий ҳаёти масалаларини кўрсатиб бериш тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устдвор

йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони¹, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори² ҳамда 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068 сон «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорига³ тегишли фан ва таълим соҳаларига оид вазифаларини амалга оширишда, моддий, маданий ва археологик мерос объектларини ўрганиш, муҳофаза қилиш ва тарғиб этишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар даври кулолчилик ашёларини археологик ўрганилиши XX асрнинг 30-йилларида бошланди. 1928-1929 йилларда А. Ю. Якубовский Миздахқон ва Кўҳна Урганч ёдгорликларида қисқа муддатли археологик тадқиқотлар уюштирди. Шу даврда Хоразмнинг ўрта асрлар кулолчилиги ҳақида ҳам илк маълумотлар пайдо бўлди⁴. Урушдан олдинги йилларда Юқори Хоразмнинг қадимий ва ўрта асрлар ёдгорликларини ўрганиш бошланди ва кулолчилик маҳсулотлари тарихига алоҳида эътибор берилди⁵. XX асрнинг иккинчи ярмида С. П. Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедиция Хоразмнинг тарихий-географик ҳудудлари Жанубий Орол маданий зоналарини қамраб олган минтақаларда ёдгорликларни топиш, аниқлаш, рўйхатга олиш ва мунтазам қазув қидирув каби кенг кўламли тадқиқотлар олиб борди. Экспедиция аъзоси Н. Н. Вактурская Хоразмнинг ўрта асрлар кулолчилик буюмларини батафсил ўрганди⁶.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Оролбўйи жанубий минтақалари ва Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини ўрганиш ЎЗР ФА ҚҚБ Археология ва этнография институти фаолияти билан боғлиқ. Ярим асрдан

¹ 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [Электрон ресурс] // <http://strategy.regulation.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори // [Электрон ресурс] http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210647.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги ПҚ-4068-сон “Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори // [Электрон ресурс] <http://lex.uz/docs/4113465/>

⁴ Якубовский А. Ю. Развалины Ургенча // ИГАИМК. Вып. 2. Том VI. Ленинград, 1930. С. 57–58; Якубовский А. Ю. Городище Миздахкан // ЗКВ. Том. V. Ленинград, 1930. С. 564–566.

⁵ Тереножкин А. И. О древнем гончарстве в Хорезме // Известия УФ АН СССР. 1940. № 6. С. 58–63.

⁶ Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (IX–XVII вв.) // ТХАЭЭ. Том. IV. М., 1959. С. 261–342.

кўпроқ вақт давомида археология бўлими ходимлари А. В. Гудкова, В. Н. Ягодин ва М. М. Мамбетуллаевлар бошчилигида Жанубий Оролбўйи худудидаги ўрта асрлар ёдгорликлари ўрганилди⁷. Кейинчалик бу тадқиқотлар М.-Ш. Қдирниязов⁸ ва А. Д. Искандерова томонидан давом эттирилди⁹.

Шу даврда Фарғона¹⁰, Сугд¹¹, Термиз¹², Қашқадарё воҳаси¹³, Шимолий Уструшона¹⁴ ва сўнги пайтларда Жанубий Қозоғистонда¹⁵ сирланмаган сопол буюмларни ўрганишга бағишланган бир қатор асарлар пайдо бўлди. Бу тадқиқотларда сирланмаган сополларни ўрганилиши ўрта асрларда шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини таснифлашда катта аҳамиятга эгаллиги тўғрисида жиддий фикрлар ўртага ташланган.

Сопол мажмуаларини ўрганиш, уларни Жанубий Оролбўйи ва Хоразм воҳасида ишлаб чиқарилишини ташкил этиш натижаларини умумлаштириб, ушбу йўналишдаги илмий вазифаларни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Сўнги йилларда ўрта аср ёдгорликларидан сопол материалларини кўплаб тўпланиши, кулолчилик тарихи тўғрисида маълумотларнинг деярли йўқлиги

⁷ Гудкова А. В. Ток кала. Ташкент: Фан, 1964. С. 130–136; Ягодин В. Н. Типолого-хронологическая систематизация керамики Арало-Каспия // Приаралье на перекрестке культур. Самарканд: МИЦАИ, 2013. С. 135–195; Мамбетуллаев М. М, Турманов Ж, Юсупов О. Поливная керамика Кердера // Вестник ККО АН РУз. Нукус, 2005. № 1–2. С. 109.

⁸ Қдирниязов М.-Ш. Культура Хорезма в XIII–XIV вв. // Автореф. дисс. докт. ист. наук. Самарканд, 2005. С. 24–27; его же. Кашинная керамика Хорезма // История и материальная культура Приаралья. Вып. 1. Нукус, 2006. С. 73–87; его же. Кашин Хорезма // STRATUM PLUS. Археологические источники Восточной Европы // Поливная керамика Средиземноморья и Северного Причерноморья X–XVIII вв. Казань, Кишинев, 2017. С. 813–834.

⁹ Искандерова А. Д. Поливная керамика средневекового Хорезма... Автореф. кандидатской диссертации. – С. 4.; Искандерова А. Д. Виды орнаментальных мотивов на глазурованной керамике Хорезма XII–XIII вв. и их архитектурные параллели // История и археология Турана. Вып.1. Самарканд, 2013. С. 108–110; Искандерова А. Д. Архитектурные изразцы из фонда Каракалпакского государственного Краеведческого музея // Археология Узбекистана. Самарканд, 2015. №1 (10). С. 67–68; Искандерова А. Д. Орнаментация поливной керамики Хорезма IX–XI вв. // Археология Узбекистана. Самарканд, 2016. №1 (12). С. 50–51; Искандерова А. Д. Эпиграфика и декор на надгробных памятниках средневекового Хорезма // Отечественная история. Алматы, 2016. №2(74) С. 161; Искандерова А. Д. Возрождение керамического ремесла в Золотоордынское время (вт. пол. XIII–XIV вв.) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида ЎЗР ФА Археология институтида 2016 йил 28-29 апрелда ўтказилган ёш олимларнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йилига бағишланган Республика конференцияси материаллари. Самарканд., 2016. С. 98; Искандерова А. Д. Художественная керамика Хорезма в X–XII вв. // Эпоха Юсуфа Баласагуни: История, литература и материальная культура. Материалы Международной научной конференции, посвященной 1000-летию Юсуфа Баласагуни. Бишкек, 2017. С. 191–192; Искандерова А. Д. Изобразительные мотивы на керамике средневекового Хорезма // История и археология Приаралья. Нукус, 2019. №1. С. 108–110.

¹⁰ Ахраров И. Кухонная керамика Ферганы XI–XII вв. // ИМКУ, №8. Ташкент, 1969. С. 146–149; Мирзалиев Г. К изучению бытовой керамики средневековой Ферганы // ОНУ, 1984. № 4. С. 40–44; Он же: Об одной группе кухонной посуды Ахсикета // ИМКУ, № 25. Ташкент, 1991. С. 183–187.

¹¹ Соколовская Л. Ф. Неглазурованная керамика средневекового Самарканда как фактор экономики городского ремесла (по материалам городища Афрасиаб кон. VII – нач. XIII вв.) // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Ташкент, 1995. 32 с.

¹² Пидаев Ш. Р. Кухонная посуда Термеза XII – начала XIII вв. // ИМКУ. Вып. 28. Самарканд, 1997 С. 160.

¹³ Исамидинов М. Х, Хасанов М. Х. История древнего и средневекового керамического производства Нахшаба. Ташкент, 2000. С. 184–187.

¹⁴ Грицина А. А. Материалы XII – начала XIII в. с городища Культтепа (Северная Уструшана) // ИМКУ, № 25. Ташкент, 1991. С. 188–190.

¹⁵ Байпаков К. М. Древняя и средневековая урбанизация Казахстана по материалам исследований ЮККАЭ. Кн. II. Урбанизация Казахстана в IX – начале XIII в. Алматы, 2013. С. 317–319.

шу билан бирга қазиишмалар натижасида қўлга киритилган катта миқдордаги янги материалларни таснифлаш, тизимга солиш, ҳунармандчилик ишлаб чиқариш мажмуаларини илмий ўрганиш долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қорақалпоқ давлат университети археология кафедрасининг Ф.1-78-шакл "Хоразм цивилизацияси тарихи" (2012-2016) тадқиқот режаси доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади ривожланган ўрта асрлар даври Жанубий Оролбўйи ва Хоразм воҳаси сирланмаган сопол мажмуаларини тадқиқ этиш асосида ҳунармандчиликдаги маҳаллий инновациялар, ихтисослашув ва маданий интеграцияларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: Хоразм ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ва уни воҳанинг маданий, маиший ва иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини аниқлаш мақсадида ўрта асрлар Хоразмининг сирланмаган сополларини ўрганиш, тарихий реконструкция қилиш;

Миздахқон, Пулжай, Джампиққалъа, Буғрохон ва бошқа ёдгорликлардан тизимли археологик ишлар натижасида топилган янги материалларни илмий муомалага киритиш;

Жанубий Оролбўйи ва Хоразм шаҳарларидаги ўрта асрлар сирланмаган сопол буюмлар ишлаб чиқариш марказларини аниқлаш ва таснифлаш;

Ўрта асрлар Хоразм сопол ишлаб чиқариш ҳунармандчилигига умумий тасниф бериш. Бу меҳнатни ташкил этиш жараёнлари, сопол ҳумдонлар конструкцияси, типлари, маҳсулотлар хилма-хиллиги ва уларнинг типологияси, безакларининг асосий элементлари, уларнинг узлуксизлиги, маҳсулотларнинг функцияларини аниқлаш;

Хоразмнинг маҳаллий кулолчилик маҳсулотларини Мовароннаҳр, Жанубий Қозоғистон, Шимолий Хуросон ва Шарқий Европанинг турли ҳудудлари (Қора денгиз, Қўйи Волгабўйи) маҳсулотлари билан қиёсий таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта асрлар Хоразмнинг моддий маданияти танланган.

Тадқиқотнинг предметини Хоразмнинг ўрта асрларда сирланмаган сополлари ва сопол мажмуалари, археологик тадқиқотлар натижалари, ёзма манбалар, илмий адабиётлар маълумотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда археологик манбаларни тизимлаштириш, морфологик, статистик, қиёсий таҳлил, тарихийлик ҳамда ҳолислик тамойиллари каби илмий тадқиқот усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Миздахқон, Пулжай ва Жампиққала ёдгорликларидан IX-XIV асрларга тегишли катта миқдордаги сопол буюмларининг техник-типологик таснифланиши ва даврлаштирилиши асосида Жанубий Оролбўйи ҳудуди кулолчилик мажмуаларининг IX-XI, XII ва XIII-XIV асрларга тегишлилиги исботланган;

Миздахқон ёдгорлигида топилган сирланмаган қора жилоли сопол буюмларида катта ва кичик вариантларга эга бўлган цилиндрсимон ва ярим сферали идиш турлари мавжудлиги аниқланиб, ривожланган ўрта асрлар даври Хоразм кулолчилик маданиятида маҳаллий анъаналарнинг шаклланганлиги далилланган;

Миздахқон ёдгорлиги сирланмаган сопол буюмларини ишлаб-чиқаришда қўлланилган хумдонларнинг тузилиши, турлари ва сопол маҳсулотларининг турличалиги асосида ривожланган ўрта асрлар даври Жанубий Оролбўйи кулолчилик ҳунармандчилигида ихтисослаштирилган устахоналар ёки “корхона”ларга ўтиш жараёни аниқланган;

Миздахқон, Пулжай ва Жампикқала ёдгорликлари ошхона идишларидаги геометрик ва хочсимон шакллар ҳамда ўсимликсимон босма безакларнинг мавжуд бўлгани асосида ўрта асрлар даври Жанубий Оролбўйи ва Хоразм шаҳарлари кулолчилик маҳсулотларининг Мовароуннаҳр, Жанубий Қозоғистон, Шимолий Хуросон ва Шарқий Европанинг Қора денгиз ва Қўйи Волгабўйи ҳунармандчилиги маҳсулотлари билан ўзаро маданий-технологик интеграцияси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат: Сопол ашёларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ҳунармандчилик иқтисодиётининг тузилиши, хумдонлар, кулолчилик асбоблари, кулолчиликда қўлланилган безак шакллари, мотивлар асосида кулолчиликнинг ўрта асрлар Хоразм ҳунармандчилигида тутган ўрни кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тадқиқотларида қўлга киритилган археологик манбаларни ёзма ва этнографик материаллар билан қиёсий-таҳлилий тадқиқ қилиниши, археологияда кенг қўлланилаётган аниқ, табиий фанлар натижаларидан фойдаланиш усуллари ва назарий-амалий ёндашувларнинг қўлланилганлиги, шунингдек, тарихий ва археологик илмий адабиётлардан кенг фойдаланилганлиги, илмий хулосалар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация мавзусига оид назарий-услубий ёндашувлар ўрта асрлар Хоразм тарихини кенг ва чуқур ўрганишга, қўлланилган усулларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса тадқиқот натижаларидан "Ўзбекистон тарихи", "Хоразм тарихи" ва "Қорақалпоғистон тарихи"нинг ўрта асрларга тегишли бўлимларини ёритишда, музейларда кулолчилик кўрғазмаларини ташкил қилишда, шунингдек, қўлланма ва услубий кўрсатмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Ўрта асрлар Хоразмининг сирланмаган сополлари (IX-XIV асрлар)» мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация бўйича қўлга киритилган илмий натижалар асосида:

Миздахқон, Пулжай ва Жампикқала ёдгорликларидан IX-XIV асрларга тегишли катта миқдордаги сопол буюмларининг техник-типологик таснифланиши ва даврлаштирилиши асосида Жанубий Оролбўйи худуди кулолчилик мажмуаларининг IX-XI, XII ва XIII-XIV асрларга тегишлилиги исботланиб, бу материаллардан Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданияти давлат музейи экспозициясини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 15 сентябрдаги 368-сон маълумотномаси). Натижада музейга ташриф буюрувчи сайёҳларга Жанубий Оролбўйи кулолчилиги тарихига доир ишончли маълумотларни бериш имконияти яратилган;

Миздахқон ёдгорлиги сирланмаган қора жилоли сопол буюм мажмуаларида катта ва кичик вариантларга эга бўлган цилиндрсимон ва ярим сферали идиш турларининг аниқланиши асосида ривожланган ўрта асрлар даври Хоразм кулолчилик маданиятида маҳаллий анъаналарнинг шаклланилиги, сирланмаган сопол буюмларни ишлаб-чиқаришда қўлланилган ҳумдонларнинг тузилиши, турлари ва сопол маҳсулотларининг турличалиги асосида ривожланган ўрта асрлар даври Жанубий Оролбўйи кулолчилик ҳунармандчилигида ихтисослаштирилган устахоналар ёки “корхона”ларга ўтиш жараёни, сопол мажмуалардаги геометрик ва ҳочсимон шакллар ҳамда ўсимликсимон босма безакларнинг мавжуд бўлгани асосида ўрта асрлар даври Жанубий Оролбўйи ва Хоразм шаҳарлари кулолчилик маҳсулотларининг Мовароуннаҳр, Жанубий Қозоғистон, Шимолий Хуросон ва Шарқий Европанинг Қора денгиз ва Қўйи Волга бўйи ҳунармандчилиги маҳсулотлари билан ўзаро маданий-технологик интеграцияси тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 январдаги 02-40-122-сон маълумотномаси). Натижада Жанубий Оролбўйи кулолчилик ишлаб чиқаришида инновациялар, ихтисослашув ва интеграциялар тўғрисидаги ишончли маълумотлар бериш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 10 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги конференцияларда бевосита маърузалар орқали синовдан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзусида 37 та, шу жумладан, 11 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, библиография, 72 та жадвал ва расмлар альбомидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 168 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети белгилаб олинган, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Муаммонинг ўрганилиш тарихи ва манбашунослик базаси"** деб номланган биринчи бобида ХХ асрнинг 20-йиллари охиридан ҳозирги кунгача бўлган давр оралиғидаги Хоразмнинг ўрта асрлардаги сирланмаган сополлари тарихини ўрганиш бўйича барча илмий маълумотлар тўпланди. Минтақада сирланмаган сополларни ўрганиш билан бевосита шуғулланган барча тадқиқотчиларнинг илмий ишлари кўздан кечирилди ва таҳлил қилинди.

ХХ аср 30-40 йилларнинг бошларида Хоразм ўрта асрлар ёдгорликларининг моддий маданиятига бағишланган бирламчи таҳлил қилинган дастлабки илмий асарлар пайдо бўлди. Хоразмнинг ўрта асрлар шаҳарлари тарихига, уларнинг моддий маданиятига хусусан, сирланган сополлари таҳлиliga доир А. Ю. Якубовскийнинг (1928-1929) бир қатор асарлари мавжуд¹⁶. Ўша пайтларда Хоразмнинг илк ўрта асрлар сополларини ҳар ҳил турларининг шакилланиши таҳлиliga бағишланган А. И. Тереножкиннинг мақолалари чоп этилди¹⁷. ХХ аср 30 - йилларда биринчи археологик тадқиқотлар натижаси - Л. Н. Соколов¹⁸ ва М. В. Воеводский¹⁹ томонидан Хоразм воҳасининг жанубий чегараларида кулолчилик ҳунармандчилиги излари топилган.

С.П. Толстов "Қадимги Хоразм" (1948) биринчи фундаментал асарида минтақанинг тарихий даврларини аниқлашда Африғий, Африғий-Сомоний, Хоразмшоҳ ва Хоразм-Жўчийлар давридаги кулолчилик буюмларига эътибор беради²⁰. Кейинчалик, 1959 йилда Н. Н. Вактурская асосий монографиясини нашр этди, унда Хоразмнинг ўрта асрлар кулолчилик буюмлари тарихи IX - XI асрлардан бошлаб XV-XVII асрларга қадар кенг хронологик даврни ўз ичига олганлиги кўрсатилган²¹.

IX асрдан бошлаб Хоразмда сирланган сопол ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади²². Бунга Замахшар кулолчилик хумдонлари далолат беради²³.

¹⁶ Якубовский А. Ю. Развалины Ургенча // ИГАИМК. Т. VI. Вып. 2. Ленинград, 1930. С. 71; Якубовский А. Ю. Городище Миздахкан // ЗКВ. Т. V. Ленинград, 1930. С. 551-552.

¹⁷ Тереножкин А. И. О гончарстве в древнем Хорезме // Известия Уз Ф АН СССР. № 6. 1940. С. 58.

¹⁸ Ершов С. А. Археология Туркменской ССР за 20 лет // Известия Туркменской ФАН СССР, 1944. № 2-3. С. 29.

¹⁹ Voyevodsky M. Summary Report of a Khwarizm Expedition // ВАПАА. 1938, № 3; Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (XI-XVII вв.). С. 263-265.

²⁰ Толстов С. П. Древний Хорезм. М., 1948 а. С. 33.

²¹ Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация... С. 261-342.

²² Искандерова А. Дж. Орнаментация поливной керамики Хорезма IX-XI вв. // Археология Узбекистана. Самарканд, 2016. №1 (12). С. 50-51.

Кейинчалик, кулолчилик ишлаб чиқариш излари Хоразмнинг кўплаб ёдгорликларида (Шемахакалға, Шехрлик, Пулжай, Миздахқон, Жампиққалға, Буғрохон ва бошқалар) топилган. Улар IX-XII, XIII-XIV асрларни қамраб олади. Лекин, XX асрнинг 50 - йилларда ташкил қилинган ХАЭЭ тадқиқот ишлари давомида Хоразмнинг ўрта асрлар шаҳарчалари ва аҳоли пунктларида сирланмаган сопол материалларини ўрганишга унчалик аҳамият берилмаган.

XX асрнинг 60 - йилларидан бошлаб Жанубий Оролбўйи ва Хоразм вилояти ёдгорликларини ўрганиш ЎЗР ФА ҚҚБ Археология ва этнография институти археология бўлими фаолияти билан боғлиқ. (ҳозир ККНИИГН, Нукус). Бўлим ходимлари А. В. Гудкова, В. Н. Ягодин ва М. М. Мамбетуллаевлар томонидан Жанубий Оролбўйи худудидаги ўрта асрлар ёдгорликлари ўрганила бошланди.

XXI аср бошида ўрта асрлар Арал-Каспий минтақаси сополлари мажмуаси В. Н. Ягодин томонидан ўрганилди ва тизимлаштирилди²⁴. XX-асрнинг охириги ўн йилликларида ва XXI асрнинг бошларида Бердах номидаги ҚДУ археология кафедраси тадқиқотчилари томонидан Жампиққалға²⁵, Миздахқан²⁶, Топракқалға (Кўнғирот), Буғрохон²⁷ ва Пулжайда²⁸ стационар қазил ишлари олиб борилди. Шунингдек, мўғуллар давридан олдинги ва ундан кейинги даврларда Устюрт карвонсаройларида изланишлар давом эттирилди²⁹.

Ўрта асрлар Миздахқонидида икки сатҳли кулолчилик хумдонлари очилган. Ишлаб чиқариш қурилмалари алоҳида жойда жойлашган. М. Т. Туребеков томонидан Олтин Ўрда даврига оид кулолчилик хумдонлари бўлган йирик ишлаб чиқариш объекти - кулолчилик устахонаси ("корхона") ва кулоллар маҳалласи очилди³⁰. М.-Ш. Қдирниязов, А. Д. Искандероваларнинг Хоразм шаҳарларининг импорт маҳсулотлари ва сирланган қизил лойли, кошинли сополларига бағишланган махсус асарлари пайдо бўлди.

²³ Voyevodsky M. A Summary Report of a Khwarizm Expedition // ВАИАА 1938. № 3. С. 27; Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация... С. 315.

²⁴ Ягодин В.Н. Типолого-хронологическая систематизация средневековой керамики Арало-Каспия // Приаралье на перекрестке культур. Самарканд, 2013. 166 – 222.

²⁵ Маньлов Ю. П., Кдырниязов М.-Ш. Городище Джанпык кала // АП. Вып. 2. Ташкент. С. 78; Хожаниязов Г. Х, Кдырниязов М.-Ш, Доспанов О. Т. Раскопки западного квартала...; Доспанов О. Т. Джампыккала – орта асир естелиги. Нукус, 1992. С. 41.

²⁶ Кдырниязов М.-Ш. Темуридская керамика; Кдырниязов М.-Ш. Люстровый кувшин; Кдырниязов М.-Ш, Бауетдинов Р. Средневековый Миздахкан. Самарканд, 2010. С. 80–88.

²⁷ Туребеков М.Т. Раскопки городища Бограхан... Ташкент, 2013. С. 94.

²⁸ Кдырниязов М.-Ш, Искандерова А. Дж, Турганов Б. К. Археологические работы на городище Пульжай // АИУ–2004–2005 годы. Ташкент: Фан, 2006. С. 127–130; Кдырниязов М.-Ш, Саипов С. Т, Кдырниязов О.-Ш, Бекниязов Б. С. Археологические работы в Пульжае 2012 г. // АИУ-2012. Самарканд, 2013. С. 180; Саипов С, Алимбетов А. Керамика Пульжая // Ўзбекистон тарихининг долзарб муоммалари ёш аддикотчилар талкинида. Самарканд, 2013. С. 77–80.

²⁹ Маньлов Ю. П. Археологические исследования караван-сараев Центрального Устюрта // АП. Вып. I. Ташкент: Фан, 1982. С. 93–121.

³⁰ Туребеков М. Т. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана // АП. Вып. VI. Нукус, 2003. С. 67–79.

Сирланмаган кулолчилик мажмуасини ўрганишга кўшни Фарғона, Сўғд, Термиз, Қашқадарё, Шимолий Уструшона ва Жанубий Қозоғистон вилоятларида бир қатор асарлар бағишланган. Озарбайжонда ҳам ўрта асрлар сирланмаган сополини ўрганишга бағишланган монографиялар чоп қилинди.

Марказий Осиё минтақасининг моддий маданияти тарихини ўрганиш доирасида Россиянинг илмий муассасаларида бир қанча тадқиқотлар нашр этилган. Улар орасида Шарқ давлат музейи фондида сақланаётган Джигарбанд кулолчилик мажмуаси таҳлил қилинган Н. Ю. Вишневскаянинг иши ҳам бор³¹.

Ушбу тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, IX аср ўрталарига келиб Жанубий Хоразмда "яхши технологик даража ва стандартлаштиришнинг юқори даражаси билан ажралиб турадиган янги шаҳар ҳунармандчилик типига кулолчилик мактаби шаклланган"³².

Умуман олганда, чет элдаги баъзи муаллифларнинг таъкидлашича, ўрта асрларда Хоразм кулолчилик буюмлари нафақат жанубий ўлкалардан янги технологияларни қабул қилган, балки ўзи ҳам кўшни вилоятларнинг кулолчилик маҳсулотлари сифатига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу бизга Хоразм воҳаси рақобатбардош кулолчилик маҳсулотларининг тарқалиши ҳудудларини аниқлаш имконини беради.

Диссертациянинг **иккинчи боби "IX-XI асрлар сирланмаган сополлари"** деб номланган. У тўрт бўлимдан иборат: "Сополларни тайёрлаш технологияси", "Типология", "Сополлар орнаментацияси" ва "IX-XI-асрларнинг кулолчилик ҳумдонлари". Ўрта асрлар Хоразм сопол ашёлари жуда хилма-хил, ва ўнлаб турларга кўра бўлинади: дастурхон, ошхона, хўжалик (контейнерли) идишлар ва ишлаб чиқариш технологияси кескин фарқ қиладиган махсус идишлар - чархда ва қўлда ясалган идишлар бор.

Сополларни тайёрлаш технологияси. IX-XI асрларнинг кулолчилик буюмлари асосан чархида тайёрланган, деярли барчаси махсус ҳумдонларда пиширилган. Қозонлар эзилган шамот ва қум аралаштирилган лойдан қилинган. Қопқоқлар диск, конуссимон ва шарсимон шаклларда бўлиб, марказида кўзиқорин шаклидаги тутқичлари бор. Лойи сомон ва шамот, ўсимлик кули, қум аралашмалари билан тайёрланган. Сўнгра юза қисми қизил рангли ангоб билан қопланган. Лой қуримасдан улар штамп ёрдамида босилган рельеф-қавариқ нақш босилган. Чаноқ ва тоғорларнинг лойига эса ҳеч қандай кўшимчалар аралаштирилмаган. Ўртача пиширилган, сифатли қизил лойга эга. Сирланмаган маҳсулотларнинг айрим турларининг юзаси безаш мақсадида қисман, баъзан тўлиқ оқ, очик, сариқ ва қизил рангли ангоб билан қоплаган.

Идишларни ясаш техникаси нуктаи назаридан, ўрта асрлар Хоразмнинг шимолий қисмларида жойлашган Крантау тепалигидаги кулолчилик мажмуасидан топилган сополлар ўзининг хар хиллиги билан ажралиб

³¹ Вишневская Н. Ю. Ремесленные изделия Джигербента (IV в. до н. э.– XIII в. н. э.). М.: Восточная литература, 2001. С. 30–81.

³² Там же... С. 46.

тўради³³. Бу ерда идишлар кулолчилик чархида ясашиб, уларнинг лойига чакмоқтош ва кварц қўшилган. Бу идишларни пишириш пайтида ёрилиб кетишдан сақлаган. Бу билан Крантау сополлари Хоразмнинг бошқа ерларидаги сополларидан ажралиб туради. Баъзида, майдаланган гипс аралаштирилган сополлар бундан мустасно³⁴.

Типология. Чархда ишланган сополлар.

Дастурхон идишлари кулолчилик чархида тайёрланган. У ўсимлик сомони аралаштирилган лойдан қилинган. Ташқи томондан, рангсиз очиқ ангоб билан қопланган. Хом ашё сифатида кварц ва бошқа минераллар қўшилган. Дастурхон сопол идишлар гуруҳи Жигербент, Миздахкан (IX, X қазилмалар), Пулжай (VIII қазилма), Топраққалъа (Қўнғирот вилояти) ва Жануби-Шарқий Устюрт карвонсаройларининг IX-асрга таалуқли стратиграфик қатламларидан олинган.

Косаларнинг сони кам бўлиб, уларнинг аксарияти қизил лойли. Шоҳкосалар сон жиҳатдан кўпчиликини ташкил қилади. *Ёғлоғилар* уч типга бўлинади. *Кўзалар* энг кўп тарқалган маҳсулотлардан. *IX-X аср ўрталаридаги кўзалар* бўйинининг шаклига кўра улар икки гуруҳга бўлинади.

X-XI аср охирларидаги кўзалар ҳам кенг бўйинли ва тор бўйинли кўринишда ифодаланади. *Хурмалар* икки тип бўлади.

Ошхона идишлар юқори иссиқликка чидамлиги билан ажралиб ва ҳарорат ўзгаришига мослашади. Лойига аралашма восита сифатида кварц ва плакиоглаз ишлатилган. Улар *қозонлар, шоҳкосалар, хурмалар, қопқоқлар кўринишида берилган.*

Маиший (контейнер) сополлар функционал хусусиятларига кўра узоқ муддатли сақлаш идишлари (хумлар, хумчалар ва хурмалар), суюқликларни ташиш (кўзалар, сувдонлар) ва қуйма моддаларни сақлаш (сопол қувилар (гупилар)) га бўлиш мумкин. *Хумлар, хумчалар, кўзалар, тоғоралар (тазлар) да берилган.*

Қўлда ясалган сопол идишлар. Булар, асосан, ошхона идишлари, қозонлар, ёғлоғилар, хурмалар ва идиш қопқоқларидан иборат.

Ошхона идишлари. *Ёғлоғилар* икки типда. *Хурмалар* шар ва эллипсоид кўринишли бўлиб, туби ясси, илмоқсимон дастаси бор. *Қопқоқлар* иккига бўлинади: диск ва қавариқ диск шакли.

Маиший сопол идишлар. Хурмалар.

Махсус мақсадлар учун мўлжалланган идишлар *дигирлар, чироглар, симобкўзачалар, сувдонлар, човлилар, кичик хажмдаги идишлардан иборат.*

Сополлар безаклари. Сирланмаган сополларнинг нақшлари усуллари ва характериға кўра қуйидагиларга бўлинадилар: ўсимлик, геометрик, ўсимлик-геометрик ва зооморф кўринишидаги нақшлар.

Нақшлар хилма-хилдир: барботин усуллари, кўлбола фигуралар, чизилган чизиқли нақшлар - тўлқинли безаклар, тишли штамплар ва розетка

³³ Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Археология Приаралья. Вып. VII. Ташкент, 2008. С. 85.

³⁴ Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма. 1959. С. 272.

ўсимлик - гул ёки дарахт барглари кўринишидаги бўртма нақшли, дарахт безаклари, ёки навбатма-навбат дарахт ва ўсимлик барглари билан алмашган; геометрик фигуралар, ўйиб ишланган ва бўртма нақшлар, хоч, доира ва геометрик нақшлар кўринишидаги штампларнинг излари билан безатилиб тўлдирилган идишлар кўплаб учрайди. Зооморф сюжетлардан кўчқор боши шаклидаги тутқичлар кўплаб топилган³⁵. Қопқоқларнинг худди шундай типлари Ўтрор воҳасида VIII-XII асрлардан маълум³⁶. Айланма тушган думи ва бошининг орқасида ленталар бўлган гўзал, тароқсимон тасвири билан чизилган афсонавий қуш тасвирланган хумлар қизиқарли туйилади. Идиш XI-аср бошларига тўғри келади³⁷.

хумдонлар. IX-X асрлардан сирланмаган сопол буюмларини ишлаб чиқариш янги техник воситалар ва ишлаб чиқариш кўникмаларига эга бўлган ихтисослашган кулоллар томонидан амалга оширила бошлади. Н. Н. Вактурская Садвар шаҳарчасида бешта ишлаб чиқариш марказларини аниқлади. Биринчи навбатда бир қатор хумдонлар қолдиқларини топди ва бу ўз навбатида умумий хунармандчилик квартали деб ҳисоблаш имконини берди³⁸. Садвар кварталидан топилган хумдонларнинг ясашиш вақти дастлабки Хоразмшоҳлар даврига бориб тақалган. Чунки худди шу даврда кулолчилик хунармандчилик даражасига кўтарилди, товар айрбошлаш ва бозор муносабатлари билан боғлиқ бўлиб қолди³⁹. С. П. Толстов⁴⁰ билан бирга Шемахакала⁴¹ ва Шехрлик⁴² аҳоли пунктларида кулолчилик цехлари - саноати мавжудлигини қайд этди. Хоразм воҳасининг жанубий чегараларида кулолчилик хунармандчилигининг излари, XX аср 30-йилларда бошланган археологик тадқиқотлар натижасида, ГАИМК ходимлари Л. Н. Соколов⁴³ ва М. В. Воеводский⁴⁴ томонидан топилган. М. В. Воеводский ўрта аср Замахшар харобаларидан бир қанча сопол хумдонларни очган. Бу кулолчилик хумдонларининг фаолият муддати XI-аср билан белгиланади⁴⁵.

Ўрганилаётган даврнинг сопол хумдонлари асосан Жанубий Хоразмнинг Замахшар⁴⁶, Садвар⁴⁷ каби шаҳарчаларида, шимолда Крантау

³⁵ Гудкова А. В. Ток-кала. Ташкент, 1964. С. 135. Рис. 36, 7 А, Б, 8 А, Б.

³⁶ Байпаков К. М., Терновая Г. А. Религии и культы средневекового Казахстана (по материалам городища Куйрыктобе). Алматы, 2005. С. 94. Рис. 63.

³⁷ Вишневская Н. Ю. Ремесленные изделия Джигербента (IV- в. до н.э. – начало XIII в.). М., 2001. С. 61, Рис. 23, 5.

³⁸ Армарчук Е. А. Производственные печи на средневековом городище Садвар в Южном Хорезме // Проблемы истории, филологии, культуры. Вып. XV. Москва-Магнитогорск, 2005. С. 83.

³⁹ Там. Же ... С. 83.

⁴⁰ Толстов С. П. По следам древнехорезмийской цивилизации. С. 311-312.

⁴¹ Вактурская Н. Н. О раскопках 1948 г. на средневековом городище Шемахакала // ТХАЭЭ. Том I. –М., 1952. – С. 46- 47.

⁴² Вактурская Н. Н. О средневековых городах Хорезма. // МХЭ. Вып. 7. М., 1963. С. 52- 54.

⁴³ Ершов С. А. Археология Туркменской ССР за 20 лет // «Известия Туркменской ФАН СССР». 1944. № 2- 3. С. 29.

⁴⁴ Voyevodsky M. A Summary Report of a Khwarizm Expedition // ВАПАА. 1938, № 3; Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация средневековой керамики Хорезма (XI–XVII вв.). С. 263–265.

⁴⁵ Вактурская Н. Н. Хронологическая классификация.... С. 265.

⁴⁶ Воеводский М. В. Отчет о работах на Замахшаре в 1934 г. Архив ИИМК, см: Вактурская Н. Н. Классификация.... ТХЭЭ. Т. IV. 1959. С. 264.

тепалигида⁴⁸ ўрганилган. Сопол шлаклари кўринишидаги кулолчилик излари Миздахқон, Пулжай, Бограхон⁴⁹ ва Топракқалъа (Кўнғирот) мажмуаларидан топилган. Крантау тепалигида 2 гуруҳ кулолчилик хумдонлари ўрганилди, уларда ҳар хил турдаги, шакл ва ҳажмдаги идишлар пиширилган⁵⁰. Кўриниб турибдики, IX асрдан бошлаб Хоразмда кулоллар маҳалларидан тор ихтисослашган устахоналар ажратила бошланган, уларда турли ассортиментдаги сопол буюмлар ишлаб чиқарилган.

Шундай қилиб, Хоразмнинг сирланмаган сопол буюмлари IX-аср ўрталари – XI аср бошларида аста-секин ривожланиб боради, у ташқи кўриниши, типи ва функционал хизмати, шунингдек, безак техникаси нақшлари, хилма-хил бўлган. Миздахқон, Пулжай ва Жампиққалъа материалларига асосланган статистик таҳлил шуни кўрсатадики, ўрганилаётган даврда очиқ рангли, баъзан пушти рангга эга бўлган сирланмаган сополлар устунлик қилади. IX-X асрларнинг сирланмаган сополларининг асосий қисми (маиший ва дастурхон сополлари) VII-VIII асрлардаги Хоразмнинг африғийлар даври маданияти хусусиятларини сақлаб қолган. Сополлар деярли бутунлай чархда ишланиб, хумдонларда пиширилган.

Диссертациянинг учинчи боби “Хоразмшоҳлар даври XII-XIII асрлар бошлари сополлари” деб номланиб у тўрт бўлимдан иборат. Ушбу бобда сопол буюмларнинг технологик хусусиятлари, типологик кўриниши, безаклари ва хумдонлар тарихи кўриб чиқилади.

Хоразмшоҳлар даври кулолчилик ашёлари жуда хилма-хил; улар асосан дастурхонлар, ошхона ва уй-рўзғор идишлари, махсус буюмлардан иборат.

Сополларнинг технологик тайёрланиши. Идишларнинг кўпчилиги кулолчилик чархларида жуда эҳтиёткорлик билан ясалган, баъзида қўлда қолипланган дағал идишлар ҳам учрайди. Тантанали дастурхон идишлари юқори сифати билан ажралиб туради. Шаҳарларда сирланмаган енгил нақшинкор сопол буюмлар кенг тарқалди. Сирланмаган идишлар кум аралаштирилган лойдан қилинган. У асосан кулрангил, қуюқ кулранг ёки қора ангоб билан қопланган. Технологик жараёнга янги кўникмалар киритилди: кулолчиликда кулранг лойдан сопол пишириш ва уни қора ангоб (ранг) билан қоплаш техникаси юз берди. Янги технологик ва техник анъаналари қўлланила бошланди.

Типология. Чархда ишланган сополлар.

Дастурхон идишлар, биринчи навбатда, янги қолиплаш усуллари билан ясала бошлади. Кремнеземга бой янги таркибий лойлар ишлатилган.

⁴⁷ Вактурская Н. Н. Отчёт о раскопках на городище Садвар в 1973 г. // Архив ИЭА РАН, архив Хорезмской экспедиции. С. 31–32.

⁴⁸ Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Археология Приаралья. Вып. VII. Ташкент, 2008. С. 81–92.

⁴⁹ Ягодин В. Н. Маршрутные археологические исследования в левобережной части Приаральской дельты Амударьи. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. Т. II. С. 81, 88.

⁵⁰ Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Археология Приаралья. Вып. VII. Ташкент, 2008. С. 83.

Ушбу технологик фарқлар, бу нозик профили маҳсулотларни хархил ўлчамларда қилиш имконини берди. **Косалар, шоҳкосалар, ёғлогилар, кўзалар, товоқлар, бадиялар, хурмалар** кўринишида берилган.

Ошхона сопол ашёлари. **Қозонлар** IX-XI асрлардаги шаклини сақлаб қолган. Улар уч типга бўлинади. **Хурмалар** шарсимон икки типга бўлинади. **Ўтиш даври (XII-XIV асрлар) хурмалари** бўйни йўқ, икки ҳил шарсимон ва банкасимон кўринишга эга. **Ёғлогилар, қопқоқлар, шоҳкосалар бор.**

Маиший идишларнинг ассортименти хилма-хилдир. **Хумлар, хумчалар, кўзалар, тоғоралар** кўринишида берилган.

Қўлда ясалган сопол ашёлар.

Ошхона идишлари. **Қозонлар, хурмалар, қопқоқлар, шоҳкосалар, ёғлогилар** шаклида берилган.

Маҳсус сопол ашёлар ўчоқлар, симобкўзачалар, чироқлар, дигирлар, маҳсус мақсадлар учун идишлар, ҳожат буюмлари, чойнаклар, кўза шаклидаги "челақлар" ва ҳайвонларнинг лойдан ясалган фигуралардан иборат.

Сополлар безаклари. Чизилган нақшга қўшимча равишда, кўпинча горизонтал ёпиштирмалар ва бармоқ чуқурчалари, вертикал тирналган ромбик панжаралар мавжуд. Пиширишдан олдин қопқоқларда "илон изи" шаклида тирнаб чизилган нақшлар бор. Қавариқ қопқоқларда учбурчак, арча дарахти нақшлари чизилган. Сопол турли доиралар, овал қолиплар, тирқишлар ва чизмалар билан тўлдирилган. Чизмалар бир ҳил кўринишга эга, штамплаш кенг қўлланилган. Ёпиқ турдаги идишларнинг сиртлари учун безак сифатида штамплар қолип шаклида, ярим шарсимон шакллар - умбонлар шаклида қўлланилади. Бой орнаментал ёпишмалар, шакллар композициялар, геометрик ва гулли нақшлар билан безатилган ўчоқлар билан бир қаторда безатилган хумлар ҳам пайдо бўлади. Маданий қатламларда буқа, от ва қўчқорларнинг боши кўринишидаги зооморф фигуралар мавжуд. Кулолчилик буюмларидаги безаклар мураккаблашиб, янада стиллаштирилган характер касб этади.

хумдонлар. Хунармандчилик ишлаб чиқаришининг барча жабҳаларида сиёсий вазиятнинг барқарорлашуви муносабати билан у сифат жиҳатидан жиддий силжишни келтириб чиқаради. Миздахқоннинг "Жанубий маҳалласи» шаҳар турар-жойлари мажмуасида 5-хонада яхши сақланган сопол хумдонлар очилди. Хумдонлар икки қаватли, тарҳи юмалоқ, ўчоқ оғзи шимолга ёки ғарбга қаратилган. Крантау тепалигидаги кулолчилик ўчоқлари ўзининг техник ривожланиши жиҳатидан бутун Ўрта Осиёда ўрта асрларда эришилган кулолчилик технологияси даражасига тўлиқ мос келади. Улар XII-XIII аср бошларида ўз фаолиятини давом эттирдилар⁵¹. Бу даврга келиб Хоразм худудида кулолчилик маҳсулотлари бутунлай товар характериға эга бўлиб, йирик ихтисослашув юз берди.

⁵¹ Комплекс археологических объектов на возвышенности Крантау // Археология Приаралья. Вып. VII. Ташкент, 2008. С. 86.

Шундай қилиб, сирланмаган маҳсулотлар янада сифатли хусусиятларга эга бўла бошлади ва ассортимент хилма-хил бўлди. Кулранг лойдан ясалган дастурхон идишлари юзаси яна сайқаллана бошланди. Улар нафис шаклли дид билан безатилган бўлди. Штампланган маҳсулотлар кенг тарқалди. Юқори сифатли тантанавор дастурхон идишлари пайдо бўлди. Коса ва кўзалар яхшилаб пиширилган нозик лойдан ясаиб силлик, ялтироқ сиртга эга бўлди. Ошхона идишлари юпқалашди, маиший идишлар кичрайиб борди. Кулолчилик хумдонлари турар-жойлардан ташқарига чиқарилди, икки камерали хумдонлар сони кўпайди.

Диссертациянинг **тўртинчи бобида "Олтин Ўрда давридаги Хоразм сопол XIII асрнинг иккинчи ярими XIV асрлар"** тўрт бўлимдан иборат. Олтин Ўрда даврига оид сопол буюмлар технологик хусусиятлари, типологик кўринишлари, безаклари ва хумдонлари ўрганилади.

Сополларнинг технологик тайёрланиши. Идишлар оқчил пушти ва кулранг, қизғиш рангли ангоб билан қопланган. Янги технология - сополларнинг, лойига гипс ва қум аралашмалари қушилиб ишлатилди. Натижада сопол мустаҳкам, нафис кўринишга эга бўлиб, сайқаллаш услуби қўлланилди. Колип ва штампларнинг турли шакллари қўлланилди, қора сайқалланган сопол идишлар ишлаб чиқариш стандартлашди.

Типология. Чарқда ишланган сополлар.

Дастурхон идишлари янада тантанали, сифатли бўлиб, зооморф нақшлар пайдо бўла бошлади, лойи ўсимлик сомонлари қўшилиши буюмларнинг мустаҳкамлигини оширганлиги билан бир қаторда нафислиги ҳам таъминланди. *Косалар, шоҳкосалар, ёғлогилар, кўзалар, хурмалар* кўринишида берилган.

Ошхона идишлари. *Қозонлар, шоҳкосалар, ёғлогилар, қопқоқлар, хурмалар шаклида берилган.*

Маиший (контейнер) сопол буюмлари қисмларга бўлиниб чарқда тайёрланган бўлиб бир неча типларга бўлинади. *Хумлар, хумчалар, қувилар (гупилар), кўзалар, хурмалар, тоғоралар (лаганлар)*да берилган.

Маҳсус ашёлар. *Флягалар (мустаҳара), мурғоби, симобкўзачалар, чироқлар, шамдонлар, шарбат олиш учун идиш (ачитқи), туваклар, кулолчилик асбоблари ва б.*

Сополлар безаклари. Идишлар тишли тароқли асбоб билан вертикал чизиклар ("юқорига-пастга") кўринишидаги тирнаб ўйилган нақш ва доира шаклида безатилган. Бир нуқтадан чиқадиган учта чизикча, айлана, ярим доира, хочлар, "қум соати" ёки саккиз рақамини билдирувчи белги, учта ёки тўртта нуқта, "қуш панжаси", "ғоз панжаси", "стиллаштирилган қўчқор шохи", "илон изи", олти қиррали юлдуз ва бошқалар, зооморф фигуралар, балиқ тасвирлари, шунингдек, сохта ёзувлардан иборат.

хумдонлар. 1985-2020 йиллар дала - қидирув мавсумларида Миздахқон шаҳарчасидан сирланмаган бўз лой ва қора ранги жилоланган кулолчилик буюмларини пишириш учун икки ёки ундан ортиқ хумдонлардан ташкил топган кулолчилик устахоналари топилган. "Марказий маҳаллада" 2-сонли

ҳовлида жойлашган сопол ҳумдон икки қаватли пишириш камераси гумбазсимон, оғзи ҳовли томонга қаратилган диаметри 15 см 6 та ҳаво чиқариш тешиклари мавжуд⁵². 1222 кв.м.дан иборат кулоллар турар жойи тўлиқ очилиб ўрганилган. Кулоллар маҳалласи таркибида турли хил конструкцияли 8 та хонадон ва йирик кулолчилик устахонаси цех жойлашган⁵³. Бундай кулолчилик устахоналари - цехлари катта ҳажмдаги сопол маҳсулотларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган кўплаб ҳумдонлар билан жиҳозланган.

Диссертациянинг бешинчи боби "**Ўрта аср Хоразм сопол ишлаб чиқаришининг ривожланиш динамикаси**" иккита бўлимдан иборат: "Сопол буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш" ва "сирланмаган сопол ашёлар ясашнинг технологик жараёнининг умумий хусусиятлари".

Бу бобда таҳлилларга асосланиб Хоразмда сопол ашёлар ишлаб чиқаришининг IX асрдан XIV асрларда ривожланиш динамикаси кўрсатилди.

IX-XI асрларга тегишли Садвар, Шемахакалъа, Шехрлик ва Замахшар шаҳарлари яқинида хунармандчилик марказлари бўлган кулолчилик маҳаллалари ўрта асрларда Хоразмда кулолчилик цехлари саноати ривожланганлигидан далолат беради.

Кулолчилик хунармандчилиги Хоразмшоҳлар даврида янада ривож топди. Буни Миздахқон шаҳрининг "Жанубий маҳалласи" даги топилмалар кўрсатади. Бу ерда хунармандчиликни стандартлаштирилишини мавжудлигидан далолат берадиган ишлаб чиқариш хоналари, икки камерали ҳумдонлар очилди. Миздахқоннинг "Марказий квартал"ида олиб борилган археологик ишлар давомида, цехларга бирлаштирилган кулолчилик устахонаси очилди. Жанубий Оролбўйи худудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўрта асрларда сопол ишлаб чиқариш нафақат шаҳарларга, балки қишлоқ аҳоли пунктларига ҳам хос бўлган⁵⁴.

Олтин Ўрда шаҳарларининг Шарқий Европа сополлари тарихини ўрганувчи олимлар сирланмаган маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг маҳаллий Хоразм мактаби борлигини эътироф этилган. Хоразмдан олиб келинган (импорт қилинган) кулолчилик буюмлари (штампланган идишлар, кўзалар ва бошқалар) Азов (Шимолий Қораденгиз), Сарой, Астрахан, Маджар ва бошқа жойларда кўплаб учрайди. Маҳаллий штампланган сопол ашёларнинг айрим турларини бу ерларда ишлаб чиқарилиши Хоразмдан келиб хунармандчилик қилган усталарнинг фаолияти билан боғлиқ⁵⁵. Хунармандчилик

⁵² Туребеков М. Т, Бижанов Е. Б. Раскопки на Миздахкане (1985 г.) // Тезисы докладов и сообщений X научно-теоретической конференции. Общественные науки. Нукус, 1986. С. 89–90.

⁵³ Кдырнийазов М.-Ш, Туребеков М. Т. Миздахкан – город золотоордынского времени // Сб. Ходжейли древнейший город республики Каракалпакстан. Ходжейли, 1998. С. 13–18; Туребеков М. Т. Раскопки жилого массива гончаров средневекового Миздахкана // АП. Вып. VI. Нукус, 2003. С. 67–79.

⁵⁴ Неразик Е. Е. Сельское жилище в Хорезме (I–XIV вв). Из истории жилища и семьи. ТХАЭЭ. Т. IX. М., 1976. С. 141.

